

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши
сессияси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳокимликларнинг молия бўлими бошликлари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмадхон Усманов олиб борди.

Сессияда кун тартибига қўйилган Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ижроси, Олий Мажлис Сенатининг "Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси"га ёрдам берувчи Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ишчи гуруҳи таркибини ҳамда гуруҳнинг 2015 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш, Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган масалалар, вилоят маҳаллий бюджетининг 2015 йил I чорак ҳамда 2014 йилги ижросини тасдиқлаш, республика Президентининг "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия сифимларини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорнинг вилоятдаги ижросини таъминлаш, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурида жамоатчилик назорати кенгашини ташкил этиш, 2015 йил пахта ҳосили учун ғўза парваришида 5 июндан 5 августгача бажариладиган 60 кунлик долзарб вазифалар, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши айрим депутатларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, шунингдек, бошқа ташкилий масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Худудий саноат ярмаркаси



ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ, ҲАМКОРЛИК ҚИЛАМИЗ

«Ўзқўрғазмасавдо» мажмуида вилоят худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўз ишини бошлади.
Худудий саноат ярмаркаси ва кооперация

Улар хорижлик ҳамкорлари билан алоқаларини янада кенгайтириш учун мамлакатимиз ҳамда чет элларда ўтказиладиган халқаро кўرғазма ва тендерларда қатнашиб, тажрибаларини фаолиятларида қўлламоқда.

– Ҳар йили саноат ярмаркаси ва кооперация биржа ўтказилишини интиқиб кутамиз, – дейди Бекобод шаҳрилик

хунарманд Мавлуда Андаева. – 2010 йилдан буён қадимий қаштачилик усулларини замонавий йўналишга татбиқ қилаёмиш. Ҳозир, хорижий сайёҳларнинг ҳам маҳсулотларимизга талаби ортмоқда. Кўрғазмадан сўнг хориждорлар янада қўлайиши аниқ.

Ўтган йилги ярмаркада 198 та корхона маҳсулотлари билан иштирок этиб, 21,4 млрд.

биржаси тадбиркорларимизнинг маҳсулотлари ва замонавий технологияларни нафакат ички бозорда тарқатаётгани, балки хорижга экспорт қилаётгани таҳсинга сазовор.

IX Халқаро савдо ярмаркаси ва кооперация биржасида қатнашувчилар саралаб олинади.

Тадбир сўнггида иштирокчи корхоналар ўртасида "Энг чиройли шенд", "Энг кўп шартнома тузган корхона", "Энг фаол иштирокчи", "Энг ёш тадбиркор", "Инновацион корхона" ва "Маҳаллийлаштириш дастуридаги энг намунали иштирокчи" каби бир қатор йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш
йили



ҚАРИЯЛАРНИ АРДОҚЛАШ РУҲИЙ МАДАД

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улугларга эътибор ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, деган эди Юртбошимиз. Зеро, миллий қадриятларимиздан бири ёши улугларни қадрлашдир. Кексаларни ҳақиқатан ҳам ҳурмат қилиш, эҳтиром кўрсатиш қонимизга сингиб кетган. Ёшларимиз нуруний кишини кўрса, қўли кўксига, салом беради, маслаҳатини панд-насихатига лаббай, деб қулоқ тутди. Ўзининг, дастурхонининг тўғри ёши улугларга атайди. Бинобарин, кексаларнинг олтин ўғитларига амал қилиб яшаш қимматли, турмуш фаровонлигимиз ва тинчлик-осойишта ҳаётимиз гаровидир.

Ўзбек халқига азалдан хос бўлган бундай юксак фазилатлар истиклолиятнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ишлар инсон, унинг ҳаёти, орзу-умидлари ва фаровон турмушига қаратилгандир. "Ислохот – ислохот учун

эмас, инсон учун" эзгу ғоясида ҳам катта авлод вакиллари ҳурматини жойига қўйиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш бериш мақсади мужассам. Кўрсатилаётган ғамхўрликлар самараси ўлароқ, муҳим қимматли йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 75,8 ёшга етди.

(Давоми 2-бетда).

Тадбиркорлик


ТАБИИЙ ТОЗА МАҲСУЛОТ

Зангиота туманида иш бошлаган "MAVR" масъулияти чекланган жамиятида ишчиларга меҳнат дафтарчаси юритилаётгани, корхонанинг уйларида яқинлиги маҳаллий аҳоли учун аниқ муддао бўлди. Ёғоч ўрнини босувчи целлюлозадан қўйма яшиқлар ишлаб чиқарувчи корхона раҳбари Шахзод Алимов банк кредити ҳисоби-га Жанубий Кореядан замонавий техника келтирди.

– Бошланишида иш осон кечмади, – дейди корхона раҳбари. – Боиси, четдан келтирилган техника ва технологияларни ўзлаштириш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйганимизча, бироз қийналдик. Эндиликда корхона ишчилари, операторлар янги технологик жараёнларни пухта бошқаришарти.

Ўнга яқин маҳсулот ишлаб чиқарувчи бу корхонада 11 ходим муқим иш билан банд. Кунига 2 мингга

яқин қоғоз яшиқлар ишлаб чиқарувчи технологик линиялар маҳсулот сифатини таъминламоқда. – Қоғоз яшиқлар тухум, ҳўл мева ҳамда полиз маҳсулотларига мўлжалланган экологик тоза идиш, – дейди корхона маслаҳатчиси Неъмат Юсупов. – Бунинг яна бир қўлай жиҳати шундаки, ёғоч яшиқлар тагидаги маҳсулотлар кўринмаслиги туфайли ноқулайлик туғилар эди. Энди биз идишларни маҳсус қутиларга жойлаб устки ва таг



қисмлари ажратиладиган ҳолда ишлаб чиқараямиз. Корхонанинг ишга тушганига кўп бўлмасида, Россия, Қозоғистон ва Молдо-

ва давлатларидан харидорлар талайгина.

Махшиё ҒУЛОМОВА,
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

Обуначиларни ранжитманг!

Қибрай туманидаги "Нуруний" жамғармасига қарашли фахрийларни соғломлаштириш маскани қайта таъмирланиб, тиббий хизмат кўрсата бошлаганини эшитиб, ўша томонга йўл олдик. Сихаттоҳ озода ва саришта бўлиб, ҳаво ҳарорати пойтахтга нисбатан анча салқинлиги сезилиб турибди. Қариялар бизни негадир почта алоқа хизматчиси деб ўйлаб: "Газета-журналларни нега кеч олиб келасизлар?" деб қойишди.

Аваллига хайрон бўлди. Кейин билсак, фотоаппарат сумкасида бир-иккита "Тошкент

ҳақиқати" ва бошқа газеталар чиқиб турган экан. Отаҳон-онахонларнинг газета-журналлар

ПОЧТАЧИ НЕГА КАМНАМО?

ни ўқишлари бизни қувонтирди, албатта. Бўлим бошлиғи, олий тоифали шифокор Муножот Эрматовга бу ерда дам олувчилар бизни қандай қутиб олганларини айтиб бердик. Зийрак опа гап нима ҳақида

эканини сизди шекилли, катта ҳамшира Мухтарама Маъруповага нимадир деди. Бир оздан сўнг катта ҳамшира қўлида "Халқ оғзи", "Кишлоқ ҳаёти", "Тошкент ҳақиқати", "Хуррият", "Жамият", "Қибрай

садоси" газеталари ва "Ҳамшира" журнаliga обуна бўлингани тўғрисидаги квантациялар билан кириб келди. – Нашрларга обуна бўлингани яхши-ю, аммо асосан уч ойга эканининг боиси нимада? –

сўрадик раҳбардан. – Биз дам олувчиларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, газета ва журналларга обуна бўламиз, – деди М. Эрматова. – Почта хизматчиларининг (Давоми 2-бетда).

Ким эдигу ким бўлдиқ?

САДАҒАНГ БЎЛАЙ, МУСТАҚИЛЛИК

Кўзларингиз қаромиди,
қошларингиз камониди?!

Ўзбек ўғил-қизларининг қадди-қомати, ҳуснио чиройи илгаригидан бутунлай фарқ қилаётганига эътибор берганимиз? Мустақиллик халқимизга эркинлик билан бирга ҳақиқий ўзбекона чиройни, қора кўзу камон қошларни ҳам қайтиб бергандай. Фарзандларимизнинг бўйи-бастига, айниқса, қизларимизнинг ҳуснига қараб қувонаман. Ва беихтиёр ўтган асрнинг 80-йилларидаги қиз-жувонлар кўз олдимга келади.

Ҳолаларим, аммаларим, янгаларим... Мушфиқ кишлоқ аёллари. Улардан қора кўзларни, камон қошларни, сарв қоматларни кидириш беҳуда эди. Чунки оғир турмуш шароити ўзбек аёли ғўзаллиги-ю саломатлигининг қушандасига айланганди.

Ўзбек хотин-қизлари дунёдаги энг сабрли, энг меҳнатқаш, хоксор аёл, десама адашмайман. У рўзгорининг файзу баракоти, фарзандларининг соғлиғини бахти учун ўз соғлиғидан, қадр-қимматидан кечади, халқ ибораси билан айтганда: "Сув келса симиради, тош келса кемиради". Унинг иродасини синдириш, ҳаёт қийинчиликларига таслим қилиш осон эмас. Афсуски, ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек аёллари орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари учрар эди. Нега? Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган аёлга нима ситам ўтдики, ўзига бу дахшатли қисматни раво кўрди? Наҳотки, уларнинг кўзига ортидан чиқариб қолаётган фарзандлари кўринмаган бўлса?

Мустабид тузум даврида кишлоқ аёллари йилнинг тўрт фаслида далада ишлашга мажбур эди. Чунки 6 миллион тонналик пахтанинг залворли юки уларнинг ҳам нозик елкасини эзган эди. Пахта далаларидаги тинкани қуритувчи меҳнатдан сўнг уйдаги сингир-бузоғига ўт ўриб, тандир-ўчоғи учун ўтин йиғиб, елкасида кўтариб қайтарди. Шундан сўнг уй-рўзгор, бола-чақа ташвишига тоқат қилишга мажбур эди.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ОТА-ОНА ИЗЗАТИ – БИЗ УЧУН ФАРЗ

Азизлар, Рамазони шарифдек муқаддас ойнинг шукуҳли кунлари яқинлашмоқда. Рамазон йилда бир келгучи азиз меҳмонимиз. Унинг ташрифидан бутун борлик ажиб бир файзу тароват касб этади. Шоир ёзганидек, бу ойда: "Нафслар ором олар, кўнгли оройиш. Имон қувватланар. Рухий ҳаловат, шукуҳ, бутун ўлка узра бўлур ҳукмрон".

Дарҳақиқат, Рамазони шарифнинг шарофатли ҳикматлари, фазилатлари шу қадар кўпки, санаб адоғига етиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам уни ўн бир ойнинг султони деб таърифлайдилар.

Қузатган бўлсангиз, Рамазон кириши билан одамлар табиатида, юриш-туришида, кундалик ҳаёт тарзида сезиларли бир ўзгариш юз беради. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар ўртасида аввалгидан-да илиқлик, меҳрибонлик муносабатлари кучайгани сезилади. Борди-келди, йўқловлар, кексалар, беморлар ва ота-оналардан хабар олишлар... Хайр-саховат, эҳсон, меҳр-муруват кўрсатишлар... Оилаларда, маҳалла-қўй, ишхоналарда қандайдир бир хотиржам, файзли, улғувор муҳит юзага келади. Хуллас, шундай файзли, шукуҳли, руҳоний бир дамларни бошлаб келади Рамазони шариф. Зеро, Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в): "Агар умматларим рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканини билганларида эди, фақатгина бир ой эмас, балки йил бўйи рўзадор бўлишни орзу қилган бўлардилар", дея беҳиз марҳамат қилмаганлар.

(Давоми 4-бетда).

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Ёғин-сочинли, изғиринли кунларда тиззасига лой ке-чиб пахта терса-да, меҳнати-нинг роҳатини кўрмас, бори-га қаноат қилишар эди. Бўзчи белбоққа ёлчмас де-ганларидек, пахтакор пахтага ёлчмаган. Уни етиштирган деҳқон қисмати ҳеч кимни қизиқтирмас, пахта етиштир-ган аёлларнинг шу пахтадан тикилган кийимни харид қилишга қурби етадими-йўқми – буни ҳеч ким ўйла-масди. Шу ҳолда ўзбек аёл-лари не-не кийинчиликларга, очликка, зулмга, таҳқирга чи-дади, аммо ноҳақликка чидай олмади. Оддий орзулари ҳам ушалмагач, турмуш ситамла-ри, машаққатларидан тўйиб, жонига қасд қилганлар бўлди. Қишлоқлардаги хотин-қизлар зиммасига тушган ҳаддан ташқари оғирлик асаб чида-маслигига ва умидсизликка олиб келди.

Қишлоқдаги тенгдошим

Ўсмирлик даврим. Йилда бир марта – ёзги таътилда қишлоққа борардик. Чунки у пайтларда вилоятларга бо-риб-келиш осон эмасди. Ҳозиргидек тезювар поезд-лар, вилоятлараро таксилар катнови қаёқда дейсиз, ҳатто автобус қатнови тақчил эди. Қашқадарёнинг Чироқчиёғи бориш учун Тошкент-Китоб поездидан 12 соат йўл юри-ларди. Биз болаларнинг ди-ккинафас вагонларда сабри-миз чидамас, ўзимизни гоҳ у деразага, гоҳ бу деразга урардик. Лекин йўл бўйида томоша қилишга арзғулик нарса учрамасди. Ўзимизни қалғитиш учун қиладиган бир-дан бир ишимиз йўл бўйлаб кетган симёғочларни санаш эди.

Оқтоб тигида қорайган, қотмадан келган, уст-боши юпун қишлоқ болалари бизга ҳайрат билан боқишар, ша-ҳарни гўё ўзга сайёрага, ша-ҳарликларни эса коинотдан келган жонотларга ўхшати-шарди.

Биз тенги қизлар рўз-горнинг барча юмушларини қойиллатарди. Уларнинг ха-

(Давоми. Боши 1-бетда).

мир қориб, нон ёпиши, сигир соғиб, урчуқ йиғиришини ку-зата туриб, ҳайратим ошар-ди. Оналари кун бўйи далада бўлгани сабабли фарзандлар уй-рўзгор юмушларини бажаришга мажбур бўлган. Турмуш машаққатлари болаларни ҳам эзиб қўйганди. Томорқага қа-раш, мол-ҳолдан хабар олиш, ука-сингилларига кўз-қулоқ бўлиш, бир неча қақирим на-ридан сув ташиб келиш...

Ота-оналар болаларини

миз асосий иқтисодий ва иж-тимой кўрсаткичлар бўйича иттифоқда охириги ўринлардан бирига тушиб қолганди.

Ёруғ кунлар

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизлар-нинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаёти-даги ўрни ва нуфузини оши-риш борасида кенг қўлмали

Фаол опа-сингилларимиз-дан 13 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекис-тон Қадриятлари унвони билан тақдирланган. Қизларимиз-нинг адабиёт, санъат, таълим ва маданият, спорт соҳасида-ги ютуқларини рағбатланти-риш мақсадида Зулфия номи-даги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бугунги кунда бу му-кофот билан тақдирланганлар сони 200 нафардан ошди.

Ўзбекистон Марказий Осиё

органларининг 25 фоизини, фермер хўжалиқларининг 2 фоизга яқинини аёллар бош-қармоқда.

Аёл – аввало она. У сало-мат экан, фарзанди ҳам соғ бўлади. Президентимиз раҳ-намолигида мустақилликнинг илк кунлариданоқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор масалалардан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро ҳужжатлардан бири 1992 йил

самблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражада-ги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, айна пайтда юртимизда она-лар ўлими даражаси 2 бара-вардан кўпроқ, болалар ўлими 3 бараварга камайди. Аҳоли-нинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўрта-сида эса 75,8 ёшга етди.

Ўзбекистон жаҳондаги ну-

фузли ташкилот – "Save the

Бирлашган Миллатлар Таш-килоти, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва та-раққиёт ташкилоти каби ну-фузли муассасаларнинг статистик маълумотлари ва ижтимоий тадқиқотлар нати-жалари асосида тузилган "Дунёнинг энг бахтли мамла-катлари" рейтингидан Ўзбеки-стон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлиги мамлакатла-ри ўртасида биринчи ўринни эгаллаган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, ушбу рей-тингда Ўзбекистондан юқори ўринларда ёки бир сафда қайд этилган давлатларнинг мустақил бўлганига 100-200 йилдан ошган. Мамлакатимиз бу даражага тарих олдида кўз очиб юмгунча бўлган вақтда – 23 йилда эришди.

"Ижтимоий фикр" жамоат-чилик фикрини ўрганиш мар-кази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, ўтган йили 98 фоиз аҳоли ўзи ва оиласининг моддий ҳолати яхшиланганини билдирган. Турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалаёт-ганини таъкидлаб, келажакка катта ишонч билан қарашини айтган.

Бу юртининг оналари энди фарзандининг ҳарбий хиз-матга боришдан қўчмайдди, балки ўғли Ватан ҳимояси учун хизмат қилаётганидан фажр-ланади.

Бу юртининг аёли энди қиш-лоқда яшаётганидан нолимай-ди, балки шаҳар шароитидан қолшмайдиган замонавий уй-ларда яшаётганидан мамнун. Садаган бўлай, мустақиллик, демокда улар.

Бу юртининг фарзандлари энди билимсиз, қўнгли ўқик эмас, улар бугун маданият, спорт, фан-техника соҳасида жаҳон ва халқаро мусобақалар совриндори, кўкси фахр, гурур туйғулар билан тўла.

Бугун шу азиз Ватанда яшаётган она-сингилларимиз-нинг, ҳар бир фуқаронинг ти-лаги битта: юртимиздаги тинчлик-осойишталикка, та-раққиёт ва фаровонликка асло кўз тегмасин!

Гулшода АЗИМОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

САДАҒАНГ БЎЛАЙ, МУСТАҚИЛЛИК

вақтида ювиб-таролмас, еди-риб-ичиролмас, вақтида ўқитиб, вақтида ухлатолмас-ди, бунга унинг имкони йўқ эди. Оғир турмуш шароити, қашшоқлик, далаларда заҳар-ли химикатларнинг ҳудда-беҳуд қўлланилиши туфайли рақ, ошқозон-ичак ва сарик касал-ликлари, аёллар ва болалар-нинг камқонлиги ва витамин етишмаслиги каби ҳасталик-лар оқибатида аёллар ва бо-лалар ўлими кўпайганди. Та-биий иқлими жиҳатидан жа-ҳонда тенгсиз бўлган, дунёда-ги энг ширин неъматлар, ме-ваю сабзавотлар, шираси тил-ни ёрадиган қовун-тарвузлар етиштириладиган серкўёш Ўзбекистонда болалар кам-қонлик касалига учраса? Бу фалокат эмасми?

Маълумотларга кўра, ўша пайтларда Ўзбекистон аҳоли-си ўрта ҳисобда гўшт ва сут маҳсулотлари, тухумни бошқа республикалар аҳолисига нис-батан икки баробар кам ис-теъмол қилган. Жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган аҳоли қат-лами 45 фоизни ташкил эт-ган. Қишлоқ аҳолисининг ати-ги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, 50 фоизи ичимлик суви билан, 17 фои-зи табиий газ билан таъмин-ланган, холос. Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятла-рига, қулай табиий-иқлим шаро-итига эга бўлган республика-



ислохотлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида Ўзбе-кистон аёллар масалаларини ҳал этиш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид катта тажрибага эга бўлди. Аёллар ҳу-қуқ ва эркинликларини ҳимоя-лаш, уларнинг юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ саксондан ортқ ҳужжат қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

давлатлари орасида биринчи-лардан бўлиб БМТнинг "Хо-тин-қизлар ҳуқуқлари камси-тилишининг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисида"-ги конвенциясига қўшилган.

Турли тармоқ ва соҳаларда аёллар улуши йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, Консти-туцион суд тизимида 20 фоиз, Олий суд тизимида 14,6, ҳўжа-лик судлари тизимида 15,8, ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида 42,8 фоиз, таълим, маданият ва илм-фанда 72,9, соғлиқни сақ-лаш тизимида 78 фоиз ҳодим-ларни аёллар ташкил этмоқ-да. Ўзини ўзи бошқариш

9 сентябрда Парламентимиз томонидан ратификация қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция бўлди. Бу "Бола ҳуқуқлари ка-фолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Мам-лакатимизда таъсис этилган илк орден "Соғлом авлод учун" ордени экани ҳам рамзий маъ-нога эга.

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар са-марадорлигини оширишда Президентимиз Ислам Қари-мов томонидан 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳо-фаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қў-шимча чора-тадбирлар тўғри-сида"ги қарор муҳим аҳами-ят касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкам-лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, ҳомилдор аёллар саломатлигини тик-лаш, улар учун умумий қув-ватлантирувчи поливитамин-лар сотиб олишга давлат бюджетидан 8 миллиард сўм ажратилди.

Президентимиз 2010 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ас-

children" ("Болаларни асрай-лик") халқаро муассасаси то-монидан тузилган дунё рей-тингида болалар саломатли-гини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаёт-ган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамла-катимиз барча кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллади ва Германия, Франция, Британия, АҚШ син-гари дунёнинг ривожланган давлатларини ҳам ортда қол-дирди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ҳо-дими тўғри келиши керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич на-фақат шаҳарлар, балки қиш-лоқларда ҳам халқаро стан-дартларга тўла мос келади.

Сўнгги 10 йилда вази тиб-биётда кўзда тутилган меъё-рдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фо-издан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сан-тиметрга ўсди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 кило-грамм картошка ва 44 кило-грамм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул, деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан анча кўндр.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ҚАРИЯЛАРНИ АРДОҚЛАШ – РУҲИЙ МАДАД

Президентимизнинг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йил-нинг мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилини-ши ушбу йўналишда янги ташаббусларни бошлаб берди. Давлати-миз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган "Кек-саларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида бу йил амалга ошириладиган ҳайрли ишлар белгилаб берилган. Маъмур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўла-минини кенгайтириш, ёши улуглар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрий-ларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни қаро-миллаштиришга қаро-тилган.

Ёш авлод турмуш си-новларида тобланиб, кат-та ҳаётий тажрибага эга бўлган, теран ақли, улуг кишилар кўмаги ва мас-лаҳатига дўим эҳтиёж се-зади. Меҳнатсевар, ҳа-лол-пок, диёнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни иста-ган ҳар бир ўғил-қиз кек-салар ҳаётий тажриба-сидан, албатта, фойда-ланиши лозим. Шунинг учун орамизда катталар-нинг борлиги улуг неъ-матдир.

Мамлакатимизда кек-саларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар

(Давоми. Боши 1-бетда).

учун нафақат моддий, айна пайтда катта маъ-навий-руҳий мададдир. Юртимизда бундай ҳур-мат, эътибор ва ғамхўр-лик учун чуқур миннат-дорлик туйғуси фуқаро-ларимизнинг тинч ва осу-да ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишон-чида, ёш авлодни Ватан-га, мустақилликнинг буюк ғояларига садоқат руҳи-да тарбиялашда ўз ифо-дасини топишмоқда.

"Қариси бор унинг париси бор", деган ма-қол бежиз айтилмаган. Халқимиз ҳеч бир ишни бобо ва моомаларимиз дуосини олмай бошла-майди. Уларнинг масла-ҳати, ўғит ва насихатла-ри асосида иш кўради. Бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқлари-мизда ота-оналаримиз, мўтабар қарияларимиз-нинг улкан хизмати бор-лигини, биз улар олди-да умрбод қардор экан-имизни унутмаслиги-миз, қўлимиздан кел-ганича уларнинг оғирини енгил, умрини узок қили-шимиз лозим.

Ватанимиз равнақи, унинг келажак бўлими ёш авлодни муносиб да-ражада тарбиялашда, шунингдек, бой тарихи-мизнинг ўчмас саҳифала-рини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларимизни келажак авлодга етқа-зишда ўзининг матонати, иродаси билан фидойи-лик қилаётган кекса ав-лод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаб, қадри-га етиш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фар-зандлик бурчимиздир.

Р. ХАЙДАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
вилоят суди судьяси.

Бандлик



ИШГА ЙЎЛЛАМАЛАР БЕРИЛДИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи-да бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Туман ҳокимлиги, проку-ратура ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада касб-хунар коллежлари би-тирувчилари, маҳалла фу-қаролар йиғинлари раис-лари, маслаҳатчилар, пос-

бонлар, вақтинча иш би-лан банд бўлмаган аҳоли 118 та корхонадаги 617 та бўш иш ўринлари, 157 та корхонадаги 754 та захи-раланган иш ўринлари би-лан танишиш имконияти-га эга бўлдилар. Меҳнат ярмаркасида иштирок эт-ган 607 фуқаронинг 524 на-

фари касб-хунар коллежла-ри битирувчиларидир.

Меҳнат ярмаркасида 207 фуқарога, шу жумла-дан 187 битирувчиға ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Хушхид ФАЙЗУЛЛАЕВ, Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

Обуначиларни ранжитманг!

ПОЧТАЧИ НЕГА КАМНАМО?

ишларини тушунмаймиз. Газеталарни вақтида кел-тириш у ёқда турсин, баъ-зи сонларини умуман олиб келишмайди. Йил бошида уч ойга обуна бўлганимизнинг сабаби ҳам шунда. Обуна бўл-санг-у, газета-журнал кел-маса, одам-онахонлар-нинг: "Халқ сўзи", "Тош-кент ҳақиқати", "Қишлоқ ҳаёти" газеталари бори-ми?" деган саволларига нима деб жавоб беришга ҳам ҳайронсан киши.

М. Маърупова суҳбат-га қўшилди: – "Ҳамшира" журна-ли (Давоми. Боши 1-бетда).

Дала бошидаги сайёр йиғилиш

ҚОЛОҚ ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Бўка туманидаги "Чорвадор Ҳамракул" фермер хўжалиги дала-сида сайёр йиғилиш бўлиб ўтди.

Қишлоқ хўжалигининг икки асосий тармоғи – пах-та ва ғаллачилик бўйича мунтазам давлат контра-кция шартномаси шартла-рини бажармаётган, белги-ланган майдонда бошқа қишлоқ хўжалиги экинла-рини етиштираётган, ернинг мелиоратив ҳолати пайса-йишга сабабчи бўлаётган ай-рим қолоқ фермерларни аниқлаш ҳамда уларга ама-лий ёрдам бериш, зарур ҳолларда фермер билан ту-зилган узок йиллик шарт-номани бекор қилиб, ерни ҳақиқий эгаларига топши-риш мақсадида ташкил этилган мулоқотда респу-блика Фермерлар Кенгаши, республика жамоатчилик Кенгаши, туман ҳокимлиги, қатор тегishли бошқарма ва ташкилот вакиллари, депу-татлар, фермерлар ҳамда оммавий ахборот восита-лари ҳодимлари иштирок этди.

Йиғилишда тумандаги энг қолоқ "Чорвадор Ҳам-ракул", "Толли Азизов", "Ашир Мухриддин" ҳамда "Дўстлик" фермер хўжа-



ликларининг уч йиллик фаолияти муҳкама этилди. Таъкидлаганидек, ҳар тўрттала хўжалик фаолияти ачинарли ҳолатга келиб қолган. Хусусан, Т. Мама-тов раҳбарлик қилаётган "Чорвадор Ҳамракул" фер-мер хўжалиги бу йил 30,5 гектарда пахта парваришла-моқда. Аммо, айна ишлов берилиши лозим бўлган паллада гўза ўз ҳолига та-шаб қўйилган. Натижада, ҳашар йўли билан чиққ қилинган жойни ҳисобга олмайча, бутун майдон-ни ўт босган.

"Дўстлик" хўжалигидаги ҳолат бунданда ачинарли. Хўжалик жорий йил 25 гек-тарга яқин майдонда пахта етиштириш бўйича давлат билан шартнома имзолаган. Аммо, белгиланган майдон-нинг 10 гектарига пахта

экилиб, қолганида бошқа экинлар парваришланмоқ-да. Шунингдек, "Толли Ази-зов" ва "Ашир Мухриддин" фермер хўжалиқларида ҳам 32 ўрнига 14 гектардан пахта экилган. Ачинарлиси, камайитриб экилган гўза парвариши ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Қўпчилик орасида изза бўлган фермерлар тавба-тазарру қилиб турган бир пайтда, уларнинг бахтига шаррос ёмғир қўйиб, иш-тирокчилар ўзларини пана-га урдилар. Аммо, йиғилиш ташкилотчиларининг фикри-ча, тез кунда ижобий ўзга-риш бўлмаса, қолоқлар па-нада узок қолишмайди...

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
(сурат),
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбирлари.



Даврон АҲМАД.

Маънавият

ОТА-ОНА ИЗЗАТИ – БИЗ УЧУН ФАРЗ

Қуръони Каримда "Парвардигорингиз... ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди", деган оят келади. Демак, ота-онага яхшилик қилиш, яъни уларнинг хизматида бўлиш, иззат-ҳурматларини жойига қўйиб, розиликларини олиш Яратганга итоатдан кейинги ўринда зикр этиладиган улуг ибодат экани таъкидланмоқда. Бунинг эса мақоми жуда баланд, Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда ота-она хизмати фарзи айнудур.

Бири эрур макрумати
волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур
фарзи айн,
дейдилар Ҳазрат шоиримиз.
Ва сўзларининг давомида ота-она фарзанд ҳаётини нурга тўлдиргувчи, унга ҳарорат ва ҳаёт бахш этгувчи ой ва қуёшга ўхшатилади. Шундай экан: "Сўзларидан чекма қалам
ташқари,
Хатларидин қўйма қадам
ташқари",

(Давоми. Боши 1-бетда).

дея таъкидлайдилар.

Ҳазрат Расулulloҳ Аллоҳга энг суюмли амаллардан бири ота-онага яхшилик қилишдир деганлар. Бунинг акси ўларок, ота-онага итоатсизлик – Парвардигор наздида энг оғир гуноҳ саналади. Бундай ўнганмас гуноҳга йўл қўйган фарзанд ҳолати Бобораҳим Машрабда шундай таърифланган эди:

Кечаю кундуз агар Қуръон
тиловат айласанг,
Шабни рўз айлаб мудом
тақвоий тоат айласанг,
Мисли Хотамдек бўлиб хайру
саховат айласанг,
Каъбайи мақсудни минг бор
зиёрат айласанг,
То Отанг рози эмас, тавбанг
қабул бўлмас сени.

Сир эмас, биздаги оилавий муносабатларга, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги вобас-талиққа қўллаб дунё халқлари ҳавас билан қарашади. Биз динимиз таълимотига, отамерос қадриятларимизга садоқат руҳида тарбия топганимиз. Қариялар эъзода, фарзандлар ардоғида кексалик гаштини сурадилар. Фарзанднинг ота-онага эътиборсизлиги, уни ҳимоясиз қолдириш каби ҳолатлар бизнинг ахлоқий қоидаларимизга ёт ва қаттиқ қораланади. Хатто, бу таомил давлатимиз Бош Қомусида ҳам ўз қонуний ифодасини топгандир.

Рамазони шарифда адо этилган хайрли ишлар ажри алоҳида эканини яхши биламиз. Шундай экан, айниқса, бу ойда кексаларимиз хизматида кўпроқ бўлишга интилайлик. Биринчи навбатда ота-оналаримиз, қўни-

Зўри бозинг бирла этсанг
ўттиз уч минг хонако,
Осмондин тушса Исо, қилса
ҳаққинга дуо
Муршидинг Хизри замон бўлса,
бўлломас раҳнамо,
То Отанг рози эмас, тавбанг
қабул бўлмас сени.

Сир эмас, биздаги оилавий муносабатларга, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги вобас-талиққа қўллаб дунё халқлари ҳавас билан қарашади. Биз динимиз таълимотига, отамерос қадриятларимизга садоқат руҳида тарбия топганимиз. Қариялар эъзода, фарзандлар ардоғида кексалик гаштини сурадилар. Фарзанднинг ота-онага эътиборсизлиги, уни ҳимоясиз қолдириш каби ҳолатлар бизнинг ахлоқий қоидаларимизга ёт ва қаттиқ қораланади. Хатто, бу таомил давлатимиз Бош Қомусида ҳам ўз қонуний ифодасини топгандир.

Рамазони шарифда адо этилган хайрли ишлар ажри алоҳида эканини яхши биламиз. Шундай экан, айниқса, бу ойда кексаларимиз хизматида кўпроқ бўлишга интилайлик. Биринчи навбатда ота-оналаримиз, қўни-

қўшни, маҳалла-қўй, узоқ-яқиндаги нурунийларимиз эъирати-ни адо этайлик. Ўтмишда ота-боболаримиз ҳар бир эзгу ишга қўл уришдан олдин кексалар фотиҳасини олишган. Уларнинг маслаҳат, йўл-йўриқларига амал қилишган.

Унутмайликки, юртимиз тинчлиги, шаҳар-қишлоқларимиз кундан кунга чирой очиб, ризқ-рўзимиз, файзу баракамиз ортиб бораётгани, ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан етук, салоҳиятли бўлиб камолга етишяётгани, халқимиз эришяётган самаротлар... барча-барчаси шубҳасиз улуғларимизнинг заҳматли меҳнати, нуруний кексаларимиз, ота-оналаримизнинг шукрона дуолари сабабидандир. Шундай экан, муҳтарам Президентимиз айтганларидек: "Яратганнинг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқийб хисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз" деб билишимиз керак.

Хайрулла ТУРМАТОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

БҮЮК ЮРТНИНГ
БАХТЛИ КЕЛАЖАГИ


Олмалик шаҳри "Металлург" маданият саройида мустақилликнинг 24 йиллигига бағишлаб "Юрт келажаги" кўрм-тайловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туманлардаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, турли соҳаларда фаолият юритаётган 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этди. Улар танлов шартларида кўра архитектура ва дизайн, либос дизайни, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт ва публицистика йўналиши бўйича ўзаро куч синашдилар.

Танлов натижаларига кўра, архитектура ва дизайн йўналиши бўйича Оқўргон туманидан Абдурахмон Дехқонов, ахборот технологиялари, ра-

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧАН ҲАМКОР

"Respublika Mulk Markazi" AJ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар ўстас фондидидаги улушлари, автомобилотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга тақлиф этади. Телефонлар: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

"Respublika Mulk Markazi" AJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. Савдога Охангон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар Олмалик тумани судининг "Йўнот" ишлар бўлими 19.11.2014 йилдаги 1/473-сонли иккунлиқ ҳал қарорига асосан хатланган Тошкент вилояти, Охангон тумани, Холмухаммедов кўчасида сақланган автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. "ТБА Ласетти CDX-СПТ" русумли д/р 10 656 NAA бўлган, 2010 йил и/ч/ автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 45 203 040 сўм. 2. "FOTON AUNAN BU5313VN" русумли д/р 10 335 XAA бўлган, 2011 йил и/ч/ автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 416 500 000 сўм.

II. Савдога Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 15.04.2013 йилдаги 10-0908/12213-сонли иккунлиқ ҳал қарорига асосан хатланган, АТБ "Узасно-атқурилишбанк" Чирчиқ шаҳар филиали, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 66-уйда сақланган ишлаб чиқариш ускуналари ва линиялари ("Сотторива" фирмасининг печене ишлаб чиқариш ускунаси, электр ўн алағичи, хамир қорувчи ускуна 8144, хамир алаштирувчи ускуна, печене ишлаб чиқариш линияси, бўлочка пишмириш ускуна 3 ярусли электр печи, хамир қорувчи ускуна MB-35, ҳолодлик-ли шкафлар комплекти ШХ, электр плитаси, печлар учун ситлаж комплекти, макарон ишлаб чиқариш ускунаси 1 комплекти) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 95 913 000 сўм.

русумли, д/р 10 614 CAA, 1997 йил и/ч/ Бошланғич баҳоси - 13 051 598 сўм. 6. "Дамас DLX" русумли, д/р 10 620 CAA, 1999 йил и/ч/ Бошланғич баҳоси - 16 198 207 сўм. 7. "Ваз-2106" русумли, д/р 10 643 CAA, 1996 йил и/ч/ Бошланғич баҳоси - 7 839 881 сўм. 8. "Ваз-21154" русумли, д/р 10 139 DAA, 2008 йил и/ч/ Бошланғич баҳоси - 18 828 600 сўм. 9. "Газ-311000" русумли, д/р 01 892 CAA, 2001 йил и/ч/ Бошланғич баҳоси - 14 826 507 сўм. 10. "Газ-31514" русумли, д/р 01 884 CAA, 2001 йил и/ч/ Бошланғич баҳоси - 14 358 617 сўм.

III. Савдога Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 15.04.2013 йилдаги 10-0908/12213-сонли иккунлиқ ҳал қарорига асосан хатланган, АТБ "Узасно-атқурилишбанк" Чирчиқ шаҳар филиали, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 66-уйда сақланган ишлаб чиқариш ускуналари ва линиялари ("Сотторива" фирмасининг печене ишлаб чиқариш ускунаси, электр ўн алағичи, хамир қорувчи ускуна 8144, хамир алаштирувчи ускуна, печене ишлаб чиқариш линияси, бўлочка пишмириш ускуна 3 ярусли электр печи, хамир қорувчи ускуна MB-35, ҳолодлик-ли шкафлар комплекти ШХ, электр плитаси, печлар учун ситлаж комплекти, макарон ишлаб чиқариш ускунаси 1 комплекти) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 95 913 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 июль кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2015 йил 10 июль кунини соат 18.00. Автоматизирланган воситалари ва асбоб-ускуналар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита хойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган заҳалат қилиш шартига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳалат пулини тўлов ҳужжатидида иккунлиқ рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Илал йўли банк" филиалидаги, х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, заҳалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл қориди ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг қилиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорахоний-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 001580.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулло
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

233-12-83, 233-48-08.

233-56-03, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бoshқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3116. Адади 31728. Баҳоси қилинган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15.

ҲАМРАИСЛАР «DEUTSCHE BANK» ДАН
КЕТИШДИ

Deutsche bank бошқаруви ҳамраислари Юрген Фичен ва Аншу Жейн ўз лавозимларидан кетишларини маълум қилганлари ҳақида хабар тарқатди ТАСС.

Маҳаллий газеталардан бирининг ёзишича, Жейн ўз лавозимини шу ойда ташлаб кетади. Бироқ, маслаҳатчи сифатидаги вазифасини давом эттиради. Фичен эса 2016 йилнинг май ойига бача банкининг ижрочи директори бўлиб қолади. Газетанинг таъкидлашича, ушбу ҳамраисларнинг ишдан кетишларига бир қатор молиявий хатолар ва банкка солинган жарималар сабаб бўлди.

Банкда россиялик мижозларнинг 6 миллиард долларгача маблағни ўмарганлари билан боғлиқ ички текширув бошланди. 2014 йил апрель ойида АКШ ҳамда Британия ставка



фоизлари ёрдамида "уйин" орқали молиявий манфаат қурганлари сабабли банкка 2,5 миллиард доллар жарима солган эди. Бу ушбу молия муассасаси тарихида энг йирик жарима эди. Умуман, турли давлатларнинг эътирозларини қониқтириш учун банк кейинги 3 йил давомида 8 миллиард долларга яқин маблағ йўқотди.

ПОРАХЎРЛИҚДА ГҲМОН ҚИЛИНМОҚДА

Хитой ҳукумати дунёдаги энг йирик кўмир қазиб олувчи China Shenhua Energy Company бош директори ўринбосари Хао Гуй устидан тергов бошланди.

Корхона расмий вакилининг айтишича, Хао Гуй тергов бераётгани учун хизмат вазифасини адо этолмади. Кўмир қазиб чиқариш саноати Хитой Халқ Республикаси ишлаб чиқариш секторининг энг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Шу боис мамлакат кўмир қазиб чиқариш ва фойдаланиш бўйича биринчи ўринда туради. Хитой энергия балансидаги жами электр қувватининг яримдан кўпи ушбу

ёқилғи воситасида ишлаб чиқарилади. Маълумки, Хитой Коммунистик Партияси Марказий Қўмитаси биринчи қотиби Си Цзинпин ҳукумат тепасига келган 2012-2013 йилларда мамлакатда коррупцияга қарши кураш кампанияси бошланган эди. Эндиликда нафақат партия-давлат аппарати ходимлари, балки давлат корхоналари менежерлари ҳам коррупцияга айбаниб, жазога тортилмоқда.

ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Франция полицияси ходимлари Парижга туташ Вилжюиф шаҳарчаси ҳудудида террорчилик содир этишга тайёрларик қўришга қатнашганликда гүмон қилинган икки кишини ҳибсга олди.

Мамлакат ички ишлар вазирлиги Бернар Казнэнинг маълум қилишича, 35 ва 39 ёшда бўлган бу икки киши жиддий сўроқ қилинмоқда. Уларнинг уйлари тинтиб кўрилди. Терговчиларнинг тахмин қилишича, гүмондорлар 24 ёшли исломпараст Сид Аҳмад Гламга ёрдам берган бўлишлари мумкин. Жазоирлик бу талаба апрель ойининг ўрталарида, ёғиндан ярадор бўлган пайтда қўлга олинган эди. Ушундан аниқланишича, Глам Вилжюиф шаҳарчасидаги католик черковларида бирида террорчилик актини амалга оширишга уринганда. Унинг хонаси тинтув қи-



линганди тўртта Калашников автомат, унга аталган ўқ, иккита тўпқонча, ўқ ўтмас нимча, шунингдек, қўллаб-қўллашга тааллуқли адабиётлар топилган эди. Казнэнинг эслатишича қараганда, Глам "бевосита Суридан келадиган қўрсатмаларга асосан ҳаракатланган". Шунингдек, маҳаллий одамлар ҳам уни қурол-аслаҳа ва транспорт билан таъминлаб туришган.

УЧУВЧИ РУҲИЙ ХАСТА ЭКАН

Шу йил март ойининг охирида Альп тоғи ҳудудида Germanwingsнинг авиалайнери ҳалокатга учраган эди.

Lufthansa ушбу ҳалокатнинг сабабларидан тўғри хулоса чиқариб олишга ҳақиқатан ҳам қўришган. Ушбу компания бошқаруви раиси Карстен Шпор бу хулосалар бутун авиациянинг учун ўта фойдали эканини таъкидлади журналистлар билан учрашув чоғида. Lufthansa бошлиғи эса учувчиларни тез-тез текширувдан ўтказиб туришни жорий этмоқчи.

Airbus A-320 самолёти Барселонадан Дюсселдорфга учиб бораётганда, Франциянинг жанубида 24

март кунини ҳалокатга учраганда. Лайнер бортида экипаж аъзолари билан жами 150 киши бор эди. Уларнинг барчаси ҳалок бўлди. Тергов хулосаси шунки, авионинг учувчи вақтинча каби надан чиққан пайтда, иккинчи учувчи Андреас Любич кабинани ичидан қуфлаб олиб, самолётни атайлаб ер томон йўналтирган. Кейинчалик аниқлик қилинишича, Любичнинг соғлиги жойида бўлмади, кўпинча ўз жонига қасд қилишга уринар экан.

КЕМАДАГИЛАРНИНГ

ҲЕЧ БИРИ ОМОН ҚОЛМАДИ

"Синхуа" агентлиги қутқарувчилар берган маълумотларга таяниб хабар қилишча, сайёҳлик кемаси Хитойдаги Янцзи дарёсида ҳалокатга учраб, чўкиб кетгани натижасида қурбонлар 431 кишига етди, яна 11 киши ҳамон бедарак йўқолган ҳисобланмоқда.

Ушбу "Шарқ юлдузи" сайёҳлик теплоходи қутилмаганда кўтарилган қучли шамолдан ағдарилиб, икки дақиқа орасида денгиз қаърига чўкиб кетган, ҳатто ҳалокат ҳақида сигнал тарқатишга ҳам улгурмаган эди. Сўнгги маълумотларга қараганда, кема бортида 456 киши, жумладан 405 йўловчи, 46 экипаж аъзоси ва сайёҳлик агентлигининг беш ходими бўлган. Тергов натижасига кўра, кемага ортиқча



йўловчилар олинмаган ҳафтада унинг бортида етарлиқ қутқарув воситалари бор эди. Ҳалокат жуда тез ўз бергани боис улардан фойдаланишнинг имкони бўлмаган.